

ЎҚУВЧИЛАРДА КИТОБ ЎҚИШ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Уразов Турдыбай Аллаярович

катта ўқитувчи Қорақалпоғистон Республикаси педагогларни янги
методикаларга ўргатиш миллий маркази

Аннотация: Мақолада китобнинг инсон ҳаётида тутган ўрни ва ўқувчиларда китоб ўқиш маданиятини шакллантириш масалалари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: Китоб. Китоб мутолааси. Китобхонлик маданияти. Китобга муҳаббат. Ёшлар маънавияти. Китоб ақл қалъаси.

Аннотация: В статье рассматриваются о роли книги в жизни человека и вопросах формирования культуры чтения у учащихся.

Ключевые слова: Книга. Чтение книги. Культура чтения. Любовь к книгам. Духовность молодежи. Книга – крепость разума.

Бугунги глобаллашув жараёнида ўқувчи ёшларнинг таълим ва тарбияси масалалари, уларни турли ёт ва бузғунчи ғоялардан ҳимоя қилиш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. Бу ишларни амалга оширишда ўқувчи ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ва самарали ўтказишини ҳар биримиз, ўқитувчи ёки ота-она бўладими тўғри назорат қилишимиз ва йўл-йўриқ кўрсатишимиз зарур.

Ёшлар маънавиятини шакллантириш ва уларнинг дунёқарашини кенгайтиришда китоб мутолааси энт ишончли ва самарали усул ҳисобланади. Шунки, китоб – инсоннинг энг яқин дўсти ва маслаҳатчиси, ақл қайроғи ва билим манбаидир. Китоб фикрлаш қуроли, хазиналар калити, тафаккур манбаи бўлгани учун ҳам халқимиз уни нондай азиз, мўътабар деб ҳисоблаган. Шунинг учун китобта муҳаббат, уни қадрлаш, ўқишга иштиёқ халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Кишининг маданияти унинг китобида акс этади.

Афсуски, бутунги кунда китоб ўқиш ва унга муносабат бир қадар сусайгандек. Ёшларни маънавий, ҳар томонлама етук ва интеллектуал жиҳатдан тарбиялаш учун ўқишни оммалаштириш, китобга муҳаббатни кучайтириш зарур ҳисобланади.

Олимлар, зиёлилар, мамлакат ва миллат келажаги учун чуқур қайғурганларни яқин-яқингача бир нарса қийнаб келарди: нега ёшларимиз, умуман, фуқароларимиз ўртасида китобхонлик маданияти пасайиб кетди, нима учун ердан кўкка кўтарадиган, бизни баркамоллик сари етаклайдиган, инсонлар қалбига ёруғлик ва илиқлик киритадиган, оқ билан қора, яхшилик билан ёмонлик, вайронкорлик билан бунёдкорликнинг фарқини онгли равишда англатишга ёрдам берадиган, инсоният томонидан яратилган энг ноёб кашфиёт – китобнинг қадри тушиб кетмоқда? Не сабабдан айримлар китоб ўқиганларни замондан орқада қолаётганлар қаторига қўшиб қўймоқда?

“Айни пайтда, - ахборот-коммуникация соҳасидаги охирги ютуқларни ўзлаштириш билан бирга, ёшларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишини оширишга, уларни китоб билан дўст бўлишга, аҳолининг китобхонлик савиясини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Бунинг учун, аввало, миллий адабиётимиз ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ижтимоий тармоқларга жойлаштириш ва уларни кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор беришимиз муҳим аҳамият касб этади” деган эди давлатимиз раҳбари ўз чиқишларининг бирида.

Бугунги кунда мамлакатимизда китобхонлик маданиятини юксалтиришга жиддий эътибор қаратилди ва давлат сиёсати даражасига олиб чиқилган бўлиб, бу борада давлатимиз раҳбари ва ҳукуватимиз томонидан қатор ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар ва ташаббуслар илгари сурилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ва тарғиб қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги қабул қилган фармойиши биринчи галда китоб маҳсулотларини нашр қилувчи нашриётларнинг олдида катта вазифалар қўйди. Нашриётлардан нашр қилинаётган китобларнинг сифатига, мазмунига юқори даражада эътибор берилиши кераклиги таъкидланди. [1]

Шунингдек бешта муҳим ташаббус доирасида амалга оширилаётган ишлар орқала нафақат мактаб ўқувчилари, балки жамиятнинг катта қисми ҳисобланган ёшларни китоб ўқишга қизиқтириш, жалб қилиш масаласи илгари сурилди. [2]

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган 2020 - 2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастурида бир қатор устувор йўналишлар белгилаб олинди [3].

Давлатимиз раҳбари ва ҳукуватимиз томонидан қатор ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар ва ташаббуслардан келиб чиққан ҳолда ҳар бир ота-она боламизни китоб ўқишга қизиқтиришни биз ўзимизнинг оиламиздан бошлашимиз зарур, деб ўйлайман. Уларнинг ёшига қараб китобларни тавсия қилиб, тафаккурини шу вақтдан уйғотиб боришимиз шарт.

“Фарзандини китоб ўқишга ўргатмаган ота-она асосан уни саводсиз этиб тарбиялаган бўлади” – деган экан буюк бир донишманд. Ҳақиқатдан ҳам ҳар томонлама шаклланиб бораётган шахснинг тарбиясида китобнинг тутган ўрни катта. Боланинг китобга бўлган меҳрини уйғотиш, китобхонлигини ошириш, уни саводли қилиб тарбиялаш учун ҳар бир ота-она ўзининг оиласида уй кутубхоналарини ташкил қилса, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман. Шунки, китоб мутоала қилган болалар бўш вақтини бекорга ўтказмайди, китобдан олган билимларини мустаҳкамлаб боради.

Айрим ривожланган давлатлардаги мактабларда ўқув жараёнида ўқувчиларга китобхонлик фани бўйича дарс ўтилади. Бу дарсни ўтишдан мақсад ўқувчининг

китобхонлигини уйғотиш билан бирга, китоб ўқиш маданиятини бирга ўргатиб, шу орқали ўқувчининг китобга бўлган ҳурматини кўтариш ҳисобланади.

Шундай дарсларни бизлар ҳам йўлга қўйсак ва дарсларимизда боболаримизнинг ибратли ҳаётидан намуналар келтириб ўтсак болаларимизнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишини уйғотган бўламиз.

Буюк бобокалономиз Абу Али ибн Сино жуда кўп китоб ўқир экан. Унинг олдига келган уломалар бир куни уни синамоқчи бўлиб:

- Нима учун сиз китобни кўп ўқийсиз? – деб сўрабди. У шундай жавоб берибди: “Ҳаётни ўрганиш учун ҳамда бизлардан олдин яшаган инсонларнинг йўл қўйган хатоларини бизлар ҳам умримизда такрорламаслик учун китобни кўп ўқийман” – деб жавоб берибди.

Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда юз бераётган жиноятларнинг барчаси саводсизликдан келиб чиқмоқда. Ибн Сино бобомиздек китобни кўп ўқиганда болаларимиз ёмон йўлларга кириб қолмаган бўларди. Мисол учун шу ривоятлардан болаларимиз тўғри хулоса чиқарса, келгусида янглишмай ўзининг ўрнини топишига шубҳа йўқ, - деб ўйлайман.

Ўқувчи ёшларнинг китоб ўқиш маданиятини оширишда уларга кўпроқ китобнинг инсон ҳаётида тутган ўрни ҳақида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришимиз зарур. Бунда китобнинг маслаҳатчи, садоқатли ҳамроҳ, энг яқин дўст ва бебаҳо бойлик ҳисобланиши, инсон ҳаётида унинг ўрни муҳимлиги, миллатнинг маънавий-руҳий дунёсини китобга муносабати, китобхонлик даражасига қараб ҳам аниқлаш мумкинлиги, жаҳон маданиятига муносиб ҳисса қўшган аждодларимиз эришган бетакрор ютуқларнинг сабаби ҳам китоб мутолааси эканлигини, шу боистан ҳам юртимизда аҳолининг китобхонлик маданиятини юксалтириш масаласига жиддий эътибор қаратилаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Бу борада ишларнинг яна да самарали бўлиши учун ўқувчилар билан китоб ва унинг инсон ҳаётида тутган ўрни ҳақида баҳс-мунозаралар ўтказиб туриш лозим. Бунда донишмандларнинг китоб ҳақида билдирилган ҳикматли сўзлари ва халқ мақолларидан ўқувчиларга ўқиб берилади.

Баҳс-муназара учун ҳикматли сўзлар, мақоллардан намуналар:

Китобсиз уй – қалбсиз танага ўхшайди.

Паул Свиней

Саводли бўла туриб китоб ўқимаган кишининг саводсиздан фарқи йўқ.

Жейн Аустин

Эски пўстин кийсанг ҳам, янги китоб ўқишга одатлан.

Френ Лебовитз

Китобдек ақлли ва содиқ дўст йўқ.

Марк Твен

Китоб-ақл қайроғи.

Китоб кўрмаган калла-гиёҳ унмаган дала.

Китобсиз ақл-қанотсиз қўш.

Китоблар-ақл фарзандларидир.

Китоблар жонсиз, аммо содиқ дўстлардир.

Бул келтирилган ҳар бир ҳикматли сўзларни ўқувчилар билан биргаликда таҳлил қилиб, баҳс-мунозаралар уюштирилса уларда китобнинг инсон ҳаётида тутган ўрни ҳақида тушунчаларини анча кенгайтирилади, китоб ўқишга бўлган иштиёқ ўйғонади.

Яхши китоб инсонда Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат туйғуларини юксалтириб, яхшилик ҳамда эзгуликка ундайди, ўқувчилардаги китобхонлик маданияти эса уларнинг маънавий дунёқараши, ахлоқий онгининг ошишига хизмат қилади [4].

Қадимдан китоб мутолааси шахсни тарбиялашда унинг индивидуал хусусиятларини очиб беришда муҳим ва ажралмас рол ўйнаган, шунингдек унинг шаклланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилган. Шу нуқтаи назардан, замонавий дунёда китоб мутолааси биринчи навбатда узлуксиз таълим тизимида, шу жумладан, ҳар кимнинг кундалик фаолиятида алоҳида ўрин тутиши лозим.

Шарқда ахлоқ-одоб борасида буюк асарлар яратган Муҳаммад Жабалрудийнинг китоб ҳақидаги қуйидаги фирқларига бир қулоқ тутайлик: “Эй азиз! Киши учун китобдан азизроқ ва ёқимлироқ сўхбатдош йўқдир. Китоб фасоҳат, балоғатда, латофатда тенги йўқ, мунофиқликдан ҳоли ҳамроҳдир. Ёлғизликда ва ғамли айёмларда мунис улфатдир. Унда на нифоқ бору, на гина. У шундай ҳамдамки, сўзларида ёлғон ва хато бўлмайди. Сўхбатидан эса кишига малоллик етмайди. У ўз дўстининг дилини оғритмайди. Юрагини эса сиқмайди. У шундай рафиқдирки, киши орқасидан ғийбат қилиб юрмайди. Унинг сўхбатидан сенга шундай файзли фойдалар етадики, бундай фойдани одамлардан топа олмайсан. Аксинча, аксар одамлар сўхбатидан кишига зарар етади. Китобдек дўст ичида барча илму ҳилм мужассамдирки, у кишиларни ўтмишдан ва келажакдан огоҳ қилиб туради. Шунинг учун ҳам “Китоб ақл қалъасидир”, деган чуқур фалсафий аҳамиятга эга фикр бор. [5]

Хулоса ўрнида давлатимиз раҳбарининг донолик билан айтган фикрини келтириб ўтмоқчиман: “Китобсиз ривожланишга, юксак маънавиятга эришиб бўлмайди. Китоб ўқимаган одамнинг ҳам, миллатнинг ҳам келажаги йўқ”. Шундай экан барчамиз китоб ўқишдан узоқлашмайлик. Эртанги келажакимиз бўлган фарзандларимизни китоб ўқишга ундайлик.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ва тарғиб қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрельдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармони

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 декабрдаги 2020 - 2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги 781-сон Қарори

4. “Жамиятнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йилларида замонавий шахс ривожланишининг психологик хусусиятлари” Халқаро анжуман тўплами. Тошкент 24 ноябрь 2021й.